

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг аудитори Тожибоев Обиджон Тухтасинович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 22-октябрда берилган №04761 “Аудитор малака сертификати”, аудиторлик ташкилоти билан «Учқўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ўртасида 2018 йил 15 апрел кўни тузилган 50/58-19 сонли шартномага асосан «Учқўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган “Бухгалтерия баланси” – № 1 шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – № 2 шаклларида иборат 31.12.2018 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Учқўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Учқўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудитор

Хўлоса тузилган сана:

30.04.2019 йил.



М.С.Рүзимов

О.Т.Тожибоев

М.У



ООО "XB FINANCE KONSULTING" АО

«Учқўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг

2018 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا

Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANCE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти.

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси 15 уй.
тел: +233-02-10, 233-02-04.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 11.05.2005 йилда реестр № 321 рақам билан рўйхатга олинган ва 1018 сонли гувоҳнома берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15 май 2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказишга рухсат берувчи 00676-сонли Лицензия.

20 208 000 604 408 712 001, «DAVR BANK» ХАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046.

Аудиторлик ташкилоти директори: Рузимов Мансурбек Султанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган № 05540 сонли аудитор малака сертификатиغا эга.

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот

«Учқўрғон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Учқўрғон шаҳар, Чинор кўча, 1- уй, почта индекси 160900.

Телефон: 2-12-04.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома № 206, 2004 йил 29 июн куни Учқўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан берилган.

Ҳисоб рақами: 20210000900373802001, АТ«Агробанк» Учқўрғон бўлими, МФО 00246, СТИР: 200062796, ХХТУТ: 17111.

Жамият Бош директори: *Рахимов А.*

Бош бухгалтер: *Межмаков Р.*